

Ўрта Осиёнинг ўтрок дехкончилик худудларини ўраб турувчи тогли, чўл ва дашт худудларда яшаган кавмлар орасида ўгуз (гуз), карлук, кипчок, тўккизгуз, кимок ва бошка туркий уруглар катта ўрин тутганлар.

Араб манбаларида эътироф этилишича, IX–X асрларда Мовароуннахр ва Хоразмнинг шимолий ва шимоли-гарбий худудларида асосан ўгуз кабилалари яшаганлар. Уларнинг тиллари туркий бўлиб, ўз иттифокларига бир катор уруг ва кабила вакилларини бирлаштирганлар. Улар дастлаб Иссиқкўл бўйларида ва Сомонийлар Ўрта Осиёда хукмронлик килган даврларда Хоразмнинг шимолий ва гарбий чегараларида, шунингдек, Сирдарёнинг куйи хавзасида яшаганлар. IX–X асрларда ўгузлар Орол денгизидан Каспийга қадар “Ўгуз чўли” деб аталган худудларда яшаганлар .

Ўгузлар Ўрта Осиёга IX асрда кириб келганлар. Бу даврда улар Сирдарёнинг куйи ва ўрта оқимларида, Устюртнинг шимолий Эмба ва Ёйик оралигида яшаганлар. Кейинчалик ўгуз номи бир катор ўгуз бўлмаган халқларга нисбатан таркаган. Айрим бошка кабилалар ўгузлар иттифокига кирган бўлсалар-да, ўз тилларини ва ўзига хосликларини сақлаб қолганлар. М. Кошгарийнинг маълумотича, айрим ўгуз кабилалари, масалан, қойлар ўзларининг махсус лисоний белгиларини сақлаб қолганлар.

Ўгузлар кўчманчи туркий кабилалар конфедерациясини ташкил этганлар, уларнинг келиб чиқиши Олтой ва Жанубий Сибир билан боғлиқ . Ал-Марвазийнинг ёзишича, гузлар мусулмон мамлакатлар билан алоқа ўрнатганларидан сўнг уларнинг айримлари исломни қабул қилганлар ва улар туркмонлар деб аталганлар. Кейинчалик улар ва ислом динини қабул қилмаганлар ўртасида уруш бошланган ва охир-оқибат мусулмонлар устунликка эриша бошлаганлар, динсизларни сиқиб чиқарганлар. Динсизлар Хоразмни тарқ этиб, бажанаклар ерига бориб жойлашганлар. Туркмонлар эса жуда ислом мамлакатлари бўйлаб тарқаб кетганлар ва улар ўзларининг ижобий хусусиятларини намоён этиб, бу худудларнинг жуда каттагина қисмида хукмдор ва султонларга айланганлар.

Ўгузларнинг катта қисми ҳозирги Туркменистон худудида яшовчи халқларни забт этиб, уларга ўзларининг туркий тилларини қабул қилдирганлар ва улар бу этник катламда етакчи сиёсий ўринни эгаллаб, ўз генеалогияларини юқори мавқега олиб чиққанлар. Аммо туркманларни ўгузлар билан айнанлаштириш ҳам нотўғридир. Ҳозирча бунга фанда бирор бир исбот топилмаган. Ўгузларни туркман халқи этногенези шаклланиш жараёнидаги массагетлар, дахлар, парфияликлар, маргиёналиклар, эфталийлар, олонлар ва ослар билан бир катордаги муҳим бир элемент сифатида олиш мумкин. Шундай бўлса-да, уларнинг туркманларнинг этник шаклланишидаги ролини пасайтириб кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ўгузлар 24 кабила номларининг 8 таси ҳозирги туркманлар кабилавий таркибида ва 10 таси туркманларнинг уруг номларида сақланиб қолган. Бу ерда миллионлаб туркий оилаларни Яқин ва Ўрта Шарқ томон етаклаган Салжукийлар даврининг ахамиятига тўғри баҳо бериш керак. Яқин ва Ўрта Шарққа миграция қилган туркийлар ичида ўгуз-салжук элементлари доминант эди.

Ўгуз кабилалари ичида киниклар шубҳасиз катта ўрин эгаллаганлар. Хужжатларда шунингдек афшор (авшор), солур, бойундур, жабниларнинг ҳам катта таъсирли уруглар эканлиги айтилади. Ўгузларнинг ҳаммаси ҳам кўчманчи бўлмаганлар. Уларнинг каттагина қисми Сирдарё куйи ва ўрта оқимларидаги шаҳар ва кишлокларда ўтрок ҳаёт

кечирганлар. Манбаларда ўгузлар бир катор бошка туркий уруглар билан Янгикент, Жанд, Риботот, Ашнос, Корачук, Сигнок, Саброн, Ўзкенд, Ясси, Сутканд, Карнок каби шаҳарларда яшаганликлари айтилади.

Авфий ўзининг “Жомеъ ул-хикоят” асарида” ёзишича, ўгузларнинг бир қисмини гуз, бир қисмини айгурлар дерлар. Уларнинг бир қисми Хоразм ерларида яшайдилар. Уларнинг ўлкаларида ислом байроги ўрнатилгач, мусулмон бўлганлар. Улар исломни жорий этдилар. Кейин буларга кофир аскарлари хужум қилди. Уларни ўз ерларидан сиқиб чиқардилар, улар ислом шаҳарларига қараб юрдилар. Буларни ислом ўлкаларида турклар деб атадилар (туркон). Ислом ўлкаларида куч-қувват ва ҳокимиятга эришдилар. Чагри тегин ҳукмдор бўлганда исён кўтардилар. Аскарлари ҳукмдор бўлиб жаҳонни забт этдилар.

М. Кошгарий фақатгина ўгузларнинг майда уругларини ҳам ёзган, чунки унинг замонида ўгузларнинг маънаси анча кучли бўлган. Унинг ёзишича, ўгуз туркларнинг бир қабиласидир. Туркманлар уларга қиради. Улар 22 уругдирлар. Хар бир жамоанинг хайвон суратидаги алоғида тамғаси бор. Улар бир-бирларини шу тамғалар орқали танийдилар. Бу қабилалар киниклар, қойиглар, боёндурлар, иполар, солгурлар, афшорлар, бегтидилар, бекдузлар, боётлар, ёзгирлар, аймурлар, қорабулуклар, олкабулуклар, игдорлар, юдигерлар, тутиркалар, улаюндулуклар, тукарлар, бижанаклар, жуводдорлар, жабдилар, жаруклуклар. Ўгузларнинг катта қисми XII асрда Хуросон ва Яқин Шарққа қараб қўчган бўлсалар-да, уларнинг кичик жамоалари аввалги маконларида яъни, Хоразм атофлари ва ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудида қолганлар. Жумладан, ал-Масъудийнинг ёзишича, Ман қишлоғи – ўгуз ўлкасидаги бир жой номи .

Ўгузлар исломга қирганларидан кейин от қўшти тановул қилишни тўхтатганлар, бунга сабаб ханафий маънаби томонидан от қўшти маъруҳ этилгани эди.

Ўгузларда исломдан аввалги дин одамлари қом (шомон) деб аталган ва аслида шомон сўзи тунгусча бўлиб, туркийларда деярли қўлланилмаган. Ибн Фазлон ўгузлар ҳудуди тангри дейишларини хабар берган . Шунингдек, ўгузларда ҳудода нисбатан Боёт ва Уган сўзлари ҳам қўлланилган. Қомлар ота унвони билан аталганлар. Масалан: Қўркут ота, Занги ота қабиласи. У замонларда отани қанг деганлар. XIII асрга қелиб эса ота ўрнига бобо қалимаси ҳам қўлланила бошлайди . Туркий қабилаларнинг шомонларнинг илохий куч соҳиблари бўлиб, ноёб қобилиятларга эга эканликларига ишонганлар ва уларнинг олдида катта бир қўркув ва ҳурмат ҳиссини туйганлар. XI асрга қелиб ўгузларнинг Қора денгиз бўйларида қўчган кичик бир қисмидан бошка ҳаммалари мусулмон эдилар.

Қуйи Сайхун (Сирдарё) бўйларида IX асрда ўгузларнинг катта бир давлатлари бўлган ва қўшни давлатлар уларнинг қучидан хайикқанлар. Аббосий халифаси Муътасимнинг Шарқий вилоятлар бўйича ноиблари Абдуллоҳ б. Тохир 838 йил ўгузларга қарши урушга отлангани ҳам уларнинг ўша пайтдаги қуч-қудратидан далолат беради. Ўгузларнинг етакчилари йабуғу деб аталган. Йабуғуларнинг ноиблари қўл эркин деб аталганлар. Бу эски бир унвон ҳисобланган ва Гарбий Қўк Турк императорлиги даврида Иссиққўлнинг гарбидаги Чуй ва Талас дарёлари орасида яшаган беш қабиласи шу унвонга эга бўлганлар. Ўгузларнинг фольклор жанрларида уларнинг аввалги ватанлари Иссиққўл бўлганлиги ҳам айтилади. Қўлэрқиндан сўнгра субошилар турган (ўрда қўмондони, эски туркчада су

ўрда, кўшин маъносида келган).

Йабгуларнинг човушлари (ёварлар, ташрифотчилар) ва бекчилари (хос кўрикчилари) бўлган. Уларнинг мухрдорлари туграк деб аталган .

536 йили Султон Санжарнинг кўшини ичида карлуклар (каргаллар) ва турк-гузлар деган туркларнинг уруглари бор эди. Гузлар ҳам иккига бўлинганлар, учўк ва бўзўк (бурук) .

Ўгуз-ябгу давлатида, шунингдек, тархон, йинол, йинонч каби унвонларга эга бўлган аслзодалар ҳам бўлган. Яна билга, улуг, кутлуг, алп каби унвонлар ҳам учрайди.

Йабгуларнинг давлат мухрлари бир ёй ва уч ўкдан иборат эди. Аслида ёй 24 уругдан бўзўкларнинг, уч ўк эса учўкларнинг тимсоли бўлган .

Ўгузларнинг шимолий чегараларида кипчоклар яшаганлар. Бажаноклар эса кипчокларга кўшни бўлганлар. Шунингдек, кипчокларнинг шаркий, ўгузларнинг шимоли-шаркий томонида кимоклар яшаганлар. Фаргона ва Шошнинг ўзида ҳам, атроф минтакаларида ҳам туркий элатлар яшаганлар. Масалан, Шош ва Фаргона чегараларида карлуклар ва уларга иттифокдош бўлган чигил, ягмо, хазлаж, аргу, тухси ва бошкалар яшаганлар. Корахоний Арслонхоннинг туркий гузлардан ҳам кўшини бўлган. Корахонийлар кўшини вақти-вақти билан Хуросонга талончилик юришлари қилиб турардилар. Зикр этилган туркий гузлар икки тоифадан иборат эдилар. Улардан бири ачак бўлиб, уларнинг амирлари Туги ибн Додбек эди. Бошка кабила барок деб аталиб, амирлари Каргут ибн Абд ал-Хамид эди .

Ибн ал-Асирнинг маълумотича, 383 йили Шихоб ад-давла Хорун ибн Сулаймон Илок (Бугрохон ат-Туркий номи билан машхур бўлган) Бухоро хукмдорига айланди. Кошгар ва Болосогун ҳам Хитойга қадар унинг мулки эди . Бугрохон Бухорони тарк этганда унинг қолдириб кетган кўшини махаллий аҳоли томонидан таланди. Нух ибн Мансур Бухорони қўлга киритиб, унда жойлашиб олганидан сўнг, Бугрохон оғир касалга чалинди. Бу талончиликда махаллий аҳолига турк гузлар ёрдам бердилар . Турк ўгузлар у билан бирлашиб, Бугрохоннинг жангчиларини кириб ташладилар ва мулкларини таладилар.

Бугрохон йўлда вафот этди. Бугрохон вафот этгач, унинг халки ўз кўргонларига таркаб кетди. Бугрохон ҳудудий киши бўлиб, шундайлигача умрининг охиригача яшади.

Бугрохон вафот этгача Илигхон турк дунёсининг подшошига айланди . Бу ерда Бухоро атрофларида ҳам турк гузлар яшаганликлари ҳақидаги маълумот диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўгузлар IX–XII асрларда таъсирли қабилалардан бири бўлганлар. Бу даврга келиб, ўгузлар сиёсий иттифоқи таркаб кетган бўлса-да, этнографик гуруҳлар тарзида мавжуд бўлганлар. Улар Ўрта Осиё, Хуросон ҳудудларида жамоалар тарзида яшаганлар ва бу ҳудуддаги халқларнинг этник шаклланишида катта ўрин тутганлар. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Чимкент, қисман Тошкент вилояти ўзбекларининг этногенезида ўгузларнинг таъсири мавжуд.

Х. МАМАДАЛИЕВ

ЎзР ФА Тарих институти к.и.х.